# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

Шаҳар ижтимоий-сиёсий газетаси

№ 30 (8.920) * 1997 йил 12 март, чоршанба * Сотувда эркин нархда


# ТОШКЕНТ — СИЭТЛ: ҚАНОТ БАҒИШЛАНАЁТГАН БИРОДАРЛИК

***Аввал хабар қилганимиздек, пойтахтда Тошкент билан биродарлашган АҚШнинг Сиэтл шаҳри маъмурияти, амалий доиралари, жамоатчилик вакилларидан иборат делегацияси меҳмон бўлиб турибди.***

10 март куни «Интерконтинентал» меҳмонхонасида «Биродарлашган Тошкент билан Сиэтл шаҳарлари иқтисодий ва маданий алоқаларини ривожлантириш» мавзуида семинар бўлиб ўтди. Унда мамлакатимиз томонидан Тошкент шаҳри ҳокимлиги, вазирлик ва идоралар, банклар, корхоналар раҳбарлари, тадбиркорлар, маданият, соғлиқни сақлаш, халқ таълими, спорт муассасалари, жамоатчилик ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этдилар.

Тошкент шаҳар ҳокими Козим Тўлаганов сиэтллик меҳмонларга табрик сўзи билан мурожаат этар экан, пойтахтнинг бугунги иқтисодиёти, маданий ҳаёти, келажак режалари тўғрисида ҳам батафсил гапириб берди. АҚШнинг Тошкент билан биродарлашган шаҳар вакилларидан иборат делегациянинг келиши икки томонлама фойдали ҳамкорлик учун янги истиқболлар очиши алоҳида таъкидланди.

— Мен ўзларини Тошкентнинг ҳақиқий дўстлари деб атовчи 530 минг нафар сиэтлликдан сизларга энг эзгу истаклар билдирилган қалб сўзларини олиб келдим, — деди делегация раҳбари, Сиэтл шаҳар кенгашининг раиси Ж. Драго хоним. — Мен яна Тошкент заминига қадам қўйганимдан бахтиёрман. Ўтган йил май ойида шаҳрингизда бўлганимдан бери бу ерда ҳайратга соларлик даражада ўзгаришлар рўй берибди. Бугун эрталаб одатим бўйича югураётганимда, шу яқин орада тўртта қурилиш кранига кўзим тушди. Менга айтишларича шаҳар бўйича эса ҳозир ана шундай 400 та кран ёрдамида кўп қаватли бинолар барпо этилаётган экан. Ҳа, Тошкент улкан қурилиш майдонига айланибди. Мамлакатингизда рўй бераётган ижобий ўзгаришлар Сиэтл билан Тошкент ўртасидаги алоқаларга қанот бахшида этиши шубҳасиздир.

Семинарда сўз олган АҚШдаги энг йириклардан ҳисобланган «ЮЭс Бэнк» банки ижроия вице-президенти Д. Каллен, «Боинг» компанияси департаментининг директори Р. Жейн, АҚШдаги етакчи саноат-қурилиш компанияларидан бири бўлган «Моррисон Кнадсен»нинг ижроия вице-президенти С. Камински ва бошқалар Ўзбекистон ўз буюк келажагини барпо этаётганлигидан, мамлакатимизнинг ислоҳотлар йўлидаги забардаст одимларидан мамнуниятликларини алоҳида таъкидладилар. Улар тошкентликлар билан ҳамкорлик ғоят истиқболли эканлигига ишонч билдирдилар.

Сиэтл шаҳри делегацияси вакиллари мухбиримиз билан суҳбатда Тошкент таассуротлари ҳақида шундай дедилар:

**Ж. ДРАГО, делегация раҳбари, Сиэтл шаҳри кенгашининг раиси:**

— Аввалги гал келганимдаёқ шаҳрингизга мафтун бўлиб қолган эдим. Ўзбек халқининг меҳмондўстлиги бизни ҳайратга солди. Бундай сахий халқ ҳар қандай ишларга қодир.

Кўп сонли делегациямизнинг биродарлашган Тошкентга ушбу ташрифи ўзаро манфаатли ҳамкорликларнинг кенг уфқларини очиб беришига ишончим комил. Бизнинг ишбилармонларимиз, банк ходимларимиз амалий таклифлар билан келганлар. Тошкентликлар ҳам ўзаро ҳамкорликни ривожлантириш юзасидан диққатга сазовор лойиҳалар тайёрлаб қўйганликларидан хабардорман. Учрашувларимизда бу лойиҳаларни рўёбга чиқариш йўлларини биргаликда излаб топамиз.

**Э. НИКСОН, Вашингтон штатидаги етакчи компанияларнинг маслаҳатчиси:**



— Мен илк бор Ўзбекистон тўғрисида ўз вақтида АҚШ Президенти бўлган акам Р. Никсондан эшитган эдим. Юртингизга боришимни билган акам менга шундай деди: «Сен албатта Тошкентда бўлиб, Ўзбекистон халқи билан учрашишинг зарур. Ўшанда ўзинг уларнинг қандайлигига баҳо берасан». Шу тариқа икки йил муқаддам Тошкентга келиб, Ўзбекистон Президенти Кубоги учун теннис мусобақасида қатнашдим. Мана ҳозир ҳам костюмимда ўша турнирга бағишлаб чиқарилган нишонни кўриб турибсиз.

Тошкентликлар мени ўзларига ром қилдилар. Улар жуда меҳмондўст ва қалби гўзал кишилар экан. Шаҳрингизга биринчи келгандаёқ мафтун бўлган эдим. Икки йил ичида эса у таниб бўлмас даражада ўзгариб кетибди. Мен Тошкентда ҳали кўп марта бўлиш, ўзбек тилини ўрганиш, биродарлашган Сиэтл билан Тошкент шаҳарлари ўртасидаги алоқаларни мустаҳкамлашда иштирок этиш ниятидаман.

Рафиқам Марказий Осиё санъати бўйича мутахассис. У ҳозир Сиэтлда Ўзбекистон маданият марказини ташкил этиш билан шуғулланмоқда. Шундай қилиб Ўзбекистон пойтахти билан ҳамкорлик биз учун оилавий иш бўлиб қолди.

**Ж. ЯНГ, «Сиэтл-Тошкент» уюшмаси президенти:**

— Менинг ҳам Тошкентга бу биринчи бор келишим эмас. Ўтган йил май ойида шаҳрингизда бўлиб «Сиэтл- Тошкент» жамияти фаоллари билан танишган, бу ерда кўплаб дўстлар орттирган эдим. Бу гал улар сони янада кўпайишига ишончим комил. Биз Тошкент шаҳридаги меҳрибонлик уйларида тарбияланувчиларга ёрдам кўрсатишга қарор қилганмиз. Шунингдек, Тошкент ва Сиэтл студентлари, ўқувчилари айирбошлашни ҳам йўлга қўймоқчимиз.

* * *

КЕЧА «Интерконтинентал» меҳмонхонасида Сиэтл шаҳри амалий доиралари вакилларининг пойтахтимиз тадбиркорлари билан учрашуви бўлиб ўтди. Самимий давра суҳбати пайтида республикамиз ўрта ва кичик тадбиркорлигига хорижий сармоялар жалб этиш истиқболлари муҳокама этилди.

«Боинг» самолётсозлик компанияси бу йўналишда дастлабки қадамларни қўймоқда. Маълумки, бундан 80 йил муқаддам ташкил этилган жаҳондаги энг йирик компаниялардан бири бугунги кунда реактив самолётлар яратмоқда, халқаро космик дастурларни амалга оширишда иштирок этяпти, сунъий йўлдошлар орқали замонавий алоқа тизимини йўлга қўйяпти.

Компаниянинг «Ўзбекистон ҳаво йўллари» билан ўрнатган алоқаси натижасида Тошкентга сотиб олинган учта машҳур «Боинг» самолётларидан иккитаси келиб қўнди. Шуниси қувонарлики, ўзаро ҳамкорлик фақат самолётлар етказиб бериш билан чегараланиб қолмаяпти. «Боинг» компанияси Тошкент авиасозлик институтига ҳозирнинг ўзида компьютерлар, улар учун дастурлар етказиб берди. Айни пайтда ўзаро манфаатли ҳамкорликнинг янги қирралари аниқланмоқда. Бу борада «Боинг»нинг «Тошкент авиасозлик ишлаб чиқариш бирлашмаси» давлат акционерлик бирлашмаси билан ҳамкорлиги айниқса истиқболлидир.

«ЮЭс Бэнк» ҳамда «Сиферст Бенк» вакиллари давра суҳбатида таъкидлаб ўтганларидек, улар ҳам республикамизга сармояларни жалб этиш ишига қўшилмоқдалар. АҚШлик молия ходимлари Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки вакиллари билан учрашиб, бу масалада ўзаро фикр айирбошладилар.

«Моррисон Кнадсен» компанияси бош муҳандиси Виктор Фегин Ўзбекистонни қизиқтирадиган таклифларни кўриб чиқишга тайёрлигини билдирди.Америкада энг йирик саноат-қурилиш фирмаси ҳисобланган бу компания иншоотларни тўла битказган ҳолда фойдаланишга топшириш билан шуғулланади. У мамлакатимизда ҳам замонавий иншоотлар барпо этиш режаларини тузмоқда.

Жаҳонда машҳур яна бир «Майкрософт» компанияси ҳам Ўзбекистон иқтисодиётига сармоя қўйиш имкониятларини ўрганмоқда. Ушбу компания юксак технологияларни компьютер дастурлари билан таъминлайди. У Ўзбекистон иқтисодиётига хос компьютер дастурларини яратиши мумкин.

Давра суҳбатида халқаро сайёҳлик, қишлоқ хўжалиги ва тиббиётда замонавий технологияларни қўллаш, машинасозлик соҳасида ҳамкорлик қилишга тайёр Америка компаниялари вакиллари ҳам ўз имкониятлари ҳақида гапириб бердилар.

Умид қиламизки, хорижлик сармояларни мамлакатимиз иқтисодиётига жалб этиш режаларидан сўнг амалий ишларга ҳам қўл урилади. Ҳозирнинг ўзида эса Тошкент шаҳри товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси билан «Катта Сиэтл» савдони ривожлантириш уюшмаси ўртасида ҳамкорлик юзасидан шартнома имзоланди.

*Зуҳра АҲМЕДОВА.*





*СУРАТЛАРДА: АҚШнинг собиқ Президенти Р. Никсоннинг укаси Э. Никсон (чапда юқорида); сиэтллик меҳмонлар Темурийлар даври тарихи давлат музейини зиёрат қилиш пайтида.*

*Рашид Галиев олган суратлар.*

## БУГУНГИ КУН НАФАСИ

### МАМЛАКАТИМИЗДА

● Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 10 март куни «Боинг» компанияси тижорат самолётлари гуруҳи президенти Р. Вудардни қабул қилди. АҚШлик меҳмон ўша куни Бош вазир Ўткир Султонов билан ҳам учрашди.

● Кеча Президент Ислом Каримов Хитой элчиси Ли Цзинсянь, Вьетнам элчиси Нгуен Чи Куанг, Хорватия элчиси Ивица Томичларнинг ишонч ёрлиқларини қабул қилиб олди. Ислом Каримов элчилик ваколати тугаши муносабати билан кеча Қозоғистон элчиси Нажамеден Искалиевни ҳам қабул қилди.

● Президент Фармони билан Тошкент вилояти ҳокими Эркин Рўзиев «Меҳнат шуҳрати» ордени билан мукофотланди.

● Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Қишлоқ хўжалигида ҳисоб-китоблар тизимини такомиллаштиришга оид туб чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони эълон қилинди.

● Вазирлар Маҳкамаси «Ўзбекистон бадиий академиясининг фаолиятини ташкил этиш тўғрисида» ҳамда «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивалини ўтказиш тўғрисида» қарорлар қабул қилди. «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивали ҳар икки йилда бир марта Самарқанд шаҳрида, биринчиси 1997 йилнинг 25 августидан 2 сентябрига қадар ўтказиладиган бўлди.

● Бугун НАТО Бош котиби Хавьер Солана Ўзбекистонга расмий ташриф билан келади.

● «Қизилқум нодир металлар ва олтин» давлат концерни билан Американинг савдо ва тараққиёт бўйича агентлиги ўртасида имзоланган аҳдлашувга мувофиқ АҚШ томони Ўзбекистонда олтин қазиб олишни янада такомиллаштириш мақсадларига 500 минг доллар ажратадиган бўлди.

● Тошкентда Франция маданияти уйи очилди.

● Бастакорлар уюшмасининг Халқ таълими вазирлиги ва Ёзувчилар уюшмаси билан биргаликда ўтказган мусиқий асарлар танлови якунларига мувофиқ энг яхши деб топилган 30 та асарни «Ўзбекистон — Ватаним маним» қўшиқ байрамига тайёрлаш учун тавсия этилди.

### ҲАМДЎСТЛИКДА

● Россия Президенти Борис Ельцин ҳукуматни қайта тузиш тўғрисида фармон чиқарди. Унга мувофиқ, ҳозирги ҳукумат раисининг тўртта биринчи ўринбосари, 8 та ўринбосари, кўпгина вазирликлар қисқартирилиши кўзда тутилган. Бугунги кунда амалда Россия ҳукуматида Бош вазир Виктор Черномирдин ҳамда куни кеча Президент томонидан Бош вазирнинг яккаю-ягона биринчи ўринбосари этиб тайинланган Анатолий Чубайс қолди, холос. Виктор Черномирдинга бир ҳафта мобайнида ҳукумат бутун таркибини истеъфога чиқариш ва унинг янги аъзолари юзасидан таклиф тайёрлаш топширилди.

● Кеча Минскда Россия билан Белоруссия иттифоқи парламентлараро йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Россия парламенти қуйи палатаси — Давлат думасининг раиси Геннадий Селезнев ушбу иттифоқ парламентлараро ассамблеяси раиси этиб сайланди.

● Украина Президенти Леонид Кучма бир кунлик расмий ташриф билан Кишиневда бўлди. Унинг Молдова Президенти Петр Лучинский билан музокаралари натижасида бир қатор давлатлараро битимлар имзоланди.

● Бугун Кишиневда Ҳамдўстлик мамлакатлари ички ишлар вазирлари уюшган жиноятчиликка қарши биргаликда курашиш чора-тадбирларини муҳокама этадилар.

● Лондонда даволанаётган Арманистон Бош вазири А. Саркисян ҳукуматга 4 ой бошчилик қилгандан сўнг истеъфога чиқиш тўғрисида ариза берди. Аммо мамлакат Президенти Левон Тер-Петросян бу истеъфони қабул қилмади.

### ХОРИЖДА

● Вашингтонга расмий ташриф билан келган Миср Президенти Ҳусни Муборак Оқ уйда АҚШ Президенти Билл Клинтон билан учрашди. Ҳар икки давлат раҳбари Исроилнинг Шарқий Қуддусда яҳудийлар учун янги турар жойларини қуриш режасига ўз таассуфларини билдирдилар.

● Маҳаллий ҳокимият идораларига бўлиб ўтган сайловларда Латвия социал-демократик партияси ҳеч кутилмаганда ғалаба қозонди. Бу собиқ коммунистлар партияси ўз сайлов компанияларини асосан аҳолининг кам таъминланган қисмини давлат томонидан ижтимоий ҳимоя қилишни кучайтириш шиорлари остида ўтказиб, маҳаллий ҳокимият идораларида кўпчилик ўринни эгаллайдиган бўлдилар.

● Албанияда мухолифатчилар вакили Бош вазир этиб тайинланганига қарамасдан мамлакатдаги ғалаёнлар давом этаяпти. Исёнчилар ҳозир Албания пойтахти Тиранага 30 километр масофага яқинлашиб қолдилар.

● Хитойнинг Шанхай шаҳрида АҚШнинг машҳур «Женерал Моторз» компанияси билан ҳамкорликда автомобиль заводи қуриши тўғрисидаги шартнома имзоланди. Ушбу лойиҳа 1 миллиард долларга тенг.

*Давра суҳбати*

## МАТБУОТНИ ДЕМОКРАТЛАШТИРИШГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

***Кеча Ташқи ишлар вазирлигининг Қабуллар уйида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг еттинчи сессиясида биринчи ўқишда қабул қилинган «Ахборот олиш кафолатлари ва эркинлиги тўғрисида» ҳамда «Журналистнинг касбига доир фаолиятини ҳимоя қилиш тўғрисида» қонун лойиҳалари муҳокамасига бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди.***

Ўзбекистон оммавий ахборот воситаларини демократлаштириш ва қўллаб-қувватлаш ижтимоий-сиёсий фонди ҳамда Ташқи ишлар вазирлигининг «Жаҳон» ахборот агентлиги томонидан уюштирилган ушбу мулоқотда Тошкент шаҳрида чоп этиладиган етакчи нашрларнинг раҳбарлари, хорижий оммавий-ахборот воситалари вакиллари иштирок этдилар.

Ўзбекистон оммавий ахборот воситаларини демократлаштириш ва қўллаб-қувватлаш ижтимоий-сиёсий фонди ҳамраиси Хуршид Дўстмуҳаммад, Олий Мажлис матбуот ва ахборот қўмитасининг раиси Ўткир Ҳошимов, Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий марказ директори Акмал Саидов ушбу қонунлар лойиҳалари яратилиши, уларнинг мамлакатимизда «тўртинчи ҳокимият»ни шакллантиришдаги аҳамиятига тўхталдилар.

Давра суҳбатида сўз олган «Тошкент оқшоми» ва «Вечерний Ташкент» газеталари бош муҳаррири Эркин Эрназаров, «Ташкентская правда» газетаси бош муҳаррири Аъло Хўжаев, «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетаси бош муҳаррири Аҳмаджон Мелибоев, «Мулкдор» газетаси бош муҳаррири Миродил Абдураҳмонов, «Овози тожик» газетаси бош муҳаррири Шавкат Ниёзов, «Ватанпарвар» газетаси бош муҳаррири Ирисмуҳаммад Абдукаримовлар мазкур қонунлар лойиҳаларини янада такомиллаштириш юзасидан аниқ таклифлар билдирдилар. Хусусан лойиҳаларда журналист мақомига, унинг жавобгарлиги масалаларига аниқлик киритиш, Ўзбекистон журналистлари жамоат бирлашмаларининг халқаро алоқаларини кўзда тутиш, ахборот олиш эркинлигини таъминлаш бўйича диққатга сазовор фикрлар билдирилди.

*1997 — Инсон манфаатлари йили*

## МУҲОКАМАДА — ҚОНУН ЛОЙИҲАСИ

Инсон ҳуқуқларига қатъий риоя этишда Олий Мажлиснинг инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) тўғрисидаги қонун лойиҳасининг ишлаб чиқилиши муҳим ўрин тутади. Ҳозир ушбу лойиҳани муҳокама қилиш мақсадида жойларда кўплаб амалий учрашувлар, илмий-амалий конференциялар ўтказилмоқда.

Юнусобод тумани ҳокимлигида ҳам маҳалла оқсоқоллари, корхона, ташкилот, муассасалар раҳбарлари, касаба уюшмалари қўмиталари раислари, зиёлилардан иборат фаолларнинг Ўзбекистон Республикасида Инсон манфаатлари йилида инсон ҳуқуқларини муҳофаза қилиш вазифаларига бағишланган йиғилишида ҳам янги қонун лойиҳаси муҳокама қилинди.

Унда Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили С. Рашидова сўзга чиқиб, Омбудсман институти дастлаб бундан 88 йил илгари Инсон ҳуқуқлари муҳофазасини тубдан яхшилаш, бу борадаги ишлар устидан парламент томонидан конституциявий назоратни амалга ошириш мақсадида Швецияда ташкил этилганлиги, ҳозирги кунда эса жаҳоннинг юздан ортиқ мамлакатларида инсон ҳуқуқлари масалалари билан шуғулланувчи вакиллари мавжудлигини таъкидлаб ўтди.

Учрашув давомида савол-жавоблар бўлди, қонун лойиҳасини такомиллаштиришга қаратилган таклиф ва мулоҳазалар билдирилди.

*Дилшод ИСРОИЛОВ.*


## ШАҲАР ТЕЛЕФОН ТАРМОҒИ АБОНЕНТЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Алоқа иншоотларини таъмирлаш бўйича режадаги профилактик ишларнинг амалга оширилиши муносабати билан

**13 мартдан 24 мартга қадар**

Марказ — 1, 20, 22, 24-уйлар, Марказ — 2, 17, 23, 24, 28-уйлар, Ҳ. Олимжон майдонидаги 12 ва 13-уйларда истиқомат қилувчи 33, 36-АТС абонентлари, Бош почта идорасида, шунингдек,

**11 мартдан 10 апрелга қадар**

Шоир кўчаси 1, 2, 3, 4, 5, 6-тор кўчалари, Шоир кўчаси, Истироҳат кўчаси, Мардлик кўчаси, Шамсия кўчаси, Яқдил 2-тор кўчаси, Нашриёт, Виждон, Раҳимов кўчаси, 7, 8, 21, 22-уйлар, Муҳаббат кўчаси, 16 ва 19-уйларда истиқомат қилувчи 47-АТС абонентларида вақтинчалик алоқа бўлмайди.

**Тошкент шаҳар телефон алоқаси ва радиолаштириш ишлаб чиқариш бирлашмаси.**


*Футбол*

## ТАЙЁРГАРЛИК БОШЛАНДИ

Маълумки, ўтган йили футбол бўйича Осиё чемпионатида республикамиз терма жамоасининг муваффақиятсизлигидан тегишли хулосалар чиқарилмоқда. Бунда миллий энг кучли командамизни шакллантиришда асосий эътиборни ёш, умидли ўйинчиларга қаратиш, уларни халқаро беллашувларда тоблаб, Францияда ўтадиган навбатдаги жаҳон чемпионатининг саралаш ўйинларига тайёрлаш чора-тадбирлари кўрилмоқда. Шуни ҳам айтиш керакки, шу йил 9 майда терма жамоамиз 5-саралаш гуруҳида Яман командаси билан дастлабки беллашувни ўтказади.

Шу сабабдан аввалги йилларга қараганда анча эрта — март ойининг бошлариданоқ терма жамоамиз янги мавсумга тайёргарлик ишларини бошлаб юборди. Тайёргарлик дастурига кўра Ўзбекистон терма жамоаси бош мураббий Р. Мирсодиқов етакчилигида Туркияга жўнаб кетди. Жамоа таркиби деярли бутунлай янгиланиб, Туркия сафарига қуйидаги футболчилар йўл олди: Бугало, Забиров, Дилмуҳамедов, Шоймардонов, Қамбаралиев, Аҳмедов, Асатов, Лебедев, Мадраҳимов, Раҳмонқулов, Маъруфалиев, Ҳасанов, Мусабоев, Усмонхўжаев, Қурбонов, Ирисматов.

Бугун Туркиянинг кучли жамоаларидан бири билан ўтказиладиган учрашувдан сўнг терма жамоамиз аъзолари жаҳон чемпионатининг саралаш ўйинларига тайёргарликни апрель ойида 10 кун давомида Германияда ўтказишади. У ерда ҳам клублар билан 2 та ўйин ўтказилади.

*Дилшод ИСМОИЛ.*

Футбол

# ТУМАН ЖАМОАСИДАН ОЛИЙ ТАБАҚАГА





«Чилонзор» командасининг биринчи табақа доирасидаги довруғини эшитиб, жамоа аъзолари билан учрашгимиз келди. Сўраб, суриштириб «Чилонзор» савдо маркази рўпарасидаги ўйингоҳга келдик. Тасодифни қарангки бу — бир пайтлар ўзимиз тўп тепадиган «Қурувчи» ўйингоҳи эди. Майдон таниб бўлмас даражада ўзгариб кетган. Қайта таъмирланган майдонда меҳрли қўлларнинг меҳнати шундоқ сезилиб турибди. Тўғри, ўриндиқлар оз эди. Бироқ, муҳими бу эмас. Катта, гавжум ўйингоҳдаги зерикарли ўйиндан, мана шу ердаги чиройли ўйин афзал. Футбол клуби маъмуриятига кириб бордик. Янги, шинам бино. Ётоқхона, ошхона, тиббиёт хонаси. Жамоанинг олий табақага чиқиши аниқ бўлиб қолганди. Кўтаринки кайфият, ҳомийларнинг меҳру эътибори бир қарашда назарга ташланади.

Йигитларнинг маҳорати, омадига ҳавас қилгулик. Жамоа бошлиғи Турсунбой Абдураимов билан учрашиб «Чилонзор»нинг олий табақагача бўлган йўлни қисқа вақтда, аниқ мақсад билан босиб ўтганини билдик.

Жамоа Олимпия ўринбосарлари билим юрти мураббийлари ва Чилонзор тумани ҳокимлиги ташаббуси билан 1994 йил эрта баҳорда ташкил этилган. Ўйинчилар ҳам билим юртининг талабалари, 17-18 ёшли йигитлар. Шаҳар биринчилигидаги дастлабки ғалабалар, Бухоро шаҳрида ўтган турнирдаги катта муваффақиятлардан йигитлар мағрурланиб кетмади. Биринчи табақада ҳам муносиб тўп сурдилар. Мутахассислар жамоанинг ўйинларини эътибор билан кузатдилар. «Чилонзор»нинг ашаддий ишқибозлари пайдо бўлди.

Жамоа мураббийси Баҳодир Тошмуҳамедов билан суҳбатимиз қисқа бўлди.

— Футболчилар жўжани фақат кузда санайдилар. Ҳали олдинда ўнта учрашувимиз бор. Рақибларимиз олий лигадан умидини узмаган. Демак, ҳозирдан бир нарса дейиш қийин. Келинг, яхшиси ҳаммаси аниқ бўлгандан кейин гаплашамиз.

Хўп дедим. Шундан сўнг йигитларнинг ўйинини кузатдим. Футболчиларнинг маҳоратини фақат мутахассислар адашмай баҳолай олади. Лекин мен ёшлик шижоатининг устунлигига яна бир карра ишондим. Лочиндек ўткир кўз йигитлар тўп оёғига тегиши билан олдинга интилади. Бир-бирининг қаерда ҳаракат қилаётганини қарамасдан ҳам билади. Йигитлар билан гаплашдим. Аксарияти ётоқхонада бирга яшар экан. Уларнинг бир-бирини тушуниши, бутун бир жамоа бўлиб ҳаракат қилишида муҳитнинг ҳам таъсири катта. Шахсий муносабатдаги самимийлик, аҳиллик майдонда ҳам яққол билинади. Жамоанинг куч-қудрати, устунлиги мана шунда эди. Булар барибир олий табақага чиқади ва футболимизга ёшларга хос ғайрат ва кўтаринкилик олиб киради, деб ўйладим ўшанда.

Умидларимиз рўёбга чиқди. «Чилонзор» иккинчи ўринни эгаллаб 1997-йилда кучлилар сафида тўп сурадиган бўлди.



Туман футбол жамоасининг олий табақага йўлланма олиши катта муваффақият, шундай эмасми? «Чилонзор» рақиблар дарвозасига энг кўп тўп киритган (130), майдондан атиги тўрт марта бош эгиб чиққан, ўз майдонида мағлубиятга учрамаган жамоадир.

Шубҳасиз, «Чилонзор»нинг муваффақиятида ҳокимлик, хусусан футбол федерацияси раиси, туман ҳокими Анваржон Алиевнинг хизматлари, ҳомийларнинг қўллаб-қувватлашлари асосий роль ўйнади. Бу ўринда «Чилонзор» клубининг бош директори Темир Сайдаминовдан бошлаб жамоага тиббий хизмат кўрсатадиган врач, жамоанинг ҳар бир аъзосининг меҳнати ҳурмат ва таҳсинга сазовордир.

Ана шу муносабат билан ўйингоҳнинг янада кўркам бўлиши устида ишлар олиб борилмоқда. Ўриндиқлар сони 8 баробарга кўпайтирилди.

Жамоа ўринбосарлар тайёрлаш ишларини ҳам назардан четлатгани йўқ. Футбол мактабида 150 дан ортиқ болалар «чарм тўп» сирлари билан танишмоқда. Уларнинг ютуқлари ҳам ёмон эмас. Фарғона шаҳрида ўтказилган якунловчи мусобақада учинчи ўринни эгаллашди.

Йигитларнинг маошлари ҳам қаноатланарли. Мукофот пули бор. Тўпурарлар алоҳида рағбатлантирилади.

Мураббийлар жамоани олий табақа ўйинларига тайёрламоқда. Йигитларнинг кайфияти жойида. Мухлислари, мураббийлари ва ҳомийлари «Чилонзор»нинг кўтаринки руҳига, ғалабаларига ўрганиб қолишганини яхши биладилар. Мураббийларнинг Олег Тюлькин, Даврон Досумов, Пўлатов ва Алексей Ждановлардан умиди катта.

Айни кунда машғулотларда 25 нафар ўйинчи қатнашмоқда. Билим юртидаги иқтидорли ёшлар жамоага таклиф қилинди.

Артур Балаян, Александр Мочинов, Константин Кузнецовлар севимли жамоаларига қайтиб келдилар.

Мавсум бошланишига яқин қолди. Бу йил олий табақада тўп сурадиган «Чилонзор» жамоасига, унинг мураббийларига омад, сиҳат-саломатлик тилаймиз.

Омад ёр бўлсин, йигитлар.

*Абдураҳмон ЖЎРА.*

---

> ***Болалигида жониворларни боқиш, улар билан ўйнашни ёқтирмаган одамнинг ўзи бўлмаса керак. Гўдаклигимда менга ҳам дадам кучукча топиб келган эдилар. Аммо Қоплон (кучукнинг номи) билан узоқ ўйнолмадим. Бир куни у қўшни келинни қувлаб, ўтакасини ёриб юборгач, дадам кучукни йўқотиш учун узоқ жойга ташлаб келди. Қоплон менга ҳали яхши ўрганмаган эканми, қанча кутсам ҳам уйимизга қайтиб келмади. Ёки бошқа эга топган ёки дайди итга айланган. Менимча, иккинчи ҳолат бошига тушган.***

Муаммо

# ТЎРТ ОЁҚЛИ ДАЙДИЛАР

Бугунги кунда ҳам ана шундай воқеалар тез-тез содир этилиб турган бўлса ажабмас. Чунки ҳозирда шаҳримизда дайди итлар йўқ деб ҳеч ким айтолмайди. Хўш, уларнинг ҳисоби қанча? Ҳамма қатори кундузи ишлаб, кечаси тинчгина ухлайдиган одамлар бу саволга жавоб беришолмас. Аммо ишга жуда барвақт кетадиган ёки тунги сменада ишлайдиган, ё ишдан жуда кеч қайтадиганлар бу борада нимадир дея олишади. Чунки дайди итлар фақат тунда кўчага чиқиб, ризқ-насибаларини териб еб юради. Кундузлари эса пана-пастқам, одамлар яқинлашмайдиган жойларда ётади.

Дайди итлардан келадиган зарар асосан иккита: биринчиси, тишлаш-тишламаслигидан қатъи назар улар яқинлашганда ҳар қандай одам юрагини ҳовучлаб қолади. Ёш болага тўсатдан дуч келса, қўрқувдан гўдак тилдан қолиши, ҳушини йўқотиши мумкинлиги каби нохуш ҳолатлар амалиётда исботланган. Дайди итларнинг иккинчи зарари уларнинг қутургани дейдиган бўлсак, бу ҳолатнинг оқибатларини изоҳлашга ҳожат йўқ. Сўнгги пайтларда шаҳримизда одамларни қутурган ит тишлаш ҳолатлари учраб қолаётгани ҳам бежиз бўлмаса керак. Бу борада тиббиёт ходимлари ушбу муаммога барҳам бериш мақсадида итлар билан шуғулланадиган ташкилотларга ўз эътирозларини билдира бошлашди.

Шаҳримизда дайди жониворларни тутиш ва йўқ қилиш билан шуғулланадиган махсус отряд бор. У аввалари ветеринария хизмати тасарруфида эди. Ҳозирда шаҳар Ободонлаштириш бош бошқармасига қарайди. Муаммони янада ойдинлаштириш масаласида ана шу идорада бўлдик.

— Шаҳримизда ит тишлаганидан шикастланиш ҳоллари учраб қолганининг ўзига хос сабаби бор, — дейди бош бошқарма бошлиғининг ўринбосари Ғафур Рустамов. — Ўтган уч-тўрт йилда барча соҳаларда юз берган моддий қийинчилик ветеринария хизматини ҳам четлаб ўтмади. Қутуришга қарши эмлаш воситалари етишмагани сабабли 1—2 йил эгали итлар эмланмай қолди. Бунинг оқибати эса сезилмаслиги мумкин эмас. Ҳозирда итларни эмлаш масаласида ҳеч қандай муаммо йўқ.

— Дайди итларнинг қандай пайдо бўлишини айта оласизми?

— Дайди итларнинг пайдо бўлиш сабаблари турлича. Айримлар ҳовлили уйдан кўпқаватли уйга кўчганда боқиб келган итларини адаштириб келишади. Айримлар эса ўзи боқаётган урғочи ит туғиб кўпайгач, уларни боқолмай бир қанча кучукчадан воз кечиб узоқларга ташлаб келишади, шу тариқа дайди итлар пайдо бўлади. Аслини олганда бизда одамлар хонадонда ит сақлаш қоидаларини билишмайди. Қоидага кўра, биринчидан, хонадонда сақланадиган ит биттадан ошмаслиги керак. Иккинчидан, боқувдаги ит махсус хизматлар рўйхатида қайд этилган бўлиши зарур ва улар ўз вақтида эмланиши шарт. Учинчидан, хонадондаги ит ўз ҳужжатига эга бўлиши лозим. Тўртинчидан, ўша ит учун хонадон эгаси қонунга асосан солиқ тўлаши керак.

Бугунги кунда шаҳримизда қанча дайди ит бор? Табиийки, бу саволга аниқ жавоб топиш қийин. Лекин чамалаб кўришга ҳаракат қиламиз. Ободонлаштириш бош бошқармаси бошлиғи ўринбосарининг берган маълумотига кўра, бугунги кунда пойтахтимиздаги хонадонларда 90 мингта ит боқилмоқда. Бу ҳали рўйхатдан ўтганлари, рўйхатдан ўтмаганлари ҳам шу миқдорга яқинлашиб қолса керак. Ўтган йили махсус отряд томонидан шаҳримизда 7599 та дайди ит ушланган, бу дегани ҳар куни тахминан 20 та дейди ит тутилди ҳисоб. Ноқонуний сақлангани учун 1088 та ит эгаларидан олиб қўйилган, бошқа сабабларни ҳам қўшганда умумий ҳисобда ўтган йили 11545 та ит махсус отряд томонидан йўқ қилинган.

Ана шу кўрсаткичларни таҳлил этадиган бўлсак, бугунги кунда шаҳримизда қанча эгасиз ит борлигини тасаввур этиш мумкин. Бу борада дайди жониворларни тутиш ва йўқ қилиш билан шуғулланадиган махсус отряд хизматчиларини айблаб бўлмайди. Уларнинг вазифаси — ов. Овчи эса ҳеч қачон «Мен бугун фалонта ов билан қайтаман» деб олдиндан айтолмайди. Ҳозирда ушбу хизмат моддий ёрдамга муҳтож, хусусан ит овлаш ҳанузгача эскича усулда олиб борилмоқда, хизмат жараёнида фойдаланиладиган машиналар ишнинг ўзига хос талабларига жавоб бермайди. Ушбу муаммоларни бартараф этиш бўйича шаҳар ободонлаштириш бош бошқармасининг қарори маълум сабабларга кўра тўлалигича бажарилмай қолди.

Мақсадга қайтамиз: шаҳримизда дайди итлар етарли, уларни йўқ қилиш учун нималар қилиш керак? Бу саволга жавоб бериш учун аввало дайди итларнинг яшаш ҳолатига эътибор бериш зарур. Шунда ўтказилажак тадбирлар маълум бир хизматдаги одамларнинггина иши эмас, балки бу борада кўпчиликнинг фаолиятига суяниш лозимлиги аён бўлади. Чунки, ўйлаб қаралса, дайди итларнинг шаҳримизда бемалол юришига ўзимиз шароит яратиб беряпмиз. Хусусан кундуз кунлари улар яшириниб ётадиган кўпқаватли уйларнинг ертўлалари, чордоқлари эшикларини дайди итлар учун ланг очиб қўйибмиз. Бу масалага аслида Турар-жойдан фойдаланиш идораси (ЖЭК) эътибор қаратиши керак. Бундан ташқари чиқиндихоналар, пана-пастқам, яъни кўпчилик назаридан узоқ, қаровсиз жойлар ҳам обод бўлиб, ўз эгасини топиши мавжуд муаммога барҳам бериши тайин. Шунда дайди итларнинг ит овловчилардан яшириниб юришига имкон бўлмайди.

Ҳақиқатан ҳам ҳамшаҳарларимизнинг кўпчилиги хонадонда ит сақлаш қоидаларини билишмайди, билишса ҳам уларга риоя этишмайди. Ўзича дайдиб келиб қолган итларни айримлар ўз қарамоғига олади, едиради, ичиради, уйимни қўриқлайди, деб жой ҳам беради. Агар ўша ит бирорта одамга жисмоний ёки руҳий шикаст етказса, негадир унинг эгаси чиқмай қолади. «Ит меники эмас», дейди кечаги «хўжайин». Баъзи бировлар хонадонда ортиқчалик қилиб қолган итни йўқотаман деб узоқларга ташлаб келади, жонивор эса жойига қайтиб келаверади. Ваҳоланки, дайди жониворларни тутиб, йўқ қилувчи махсус идорада аҳолидан ит, мушук ва бошқа жонзотларни қабул қилишади, буни кўпчилик билмайди чоғи. Айрим мамлакатларда дайди жониворларни топширганларга пул ҳам тўлашади.

Одамларга итлар шикаст етказгани ҳолатлари таҳлил этилса, бу борада дайди итларнинг ҳиссаси кам эмаслиги маълум бўлади. Ҳолбуки, улар орасида қутурганлари, касалланганлари талайгина. Бу муаммога кўпчилик томонидан барҳам берилиши мумкинлигига амин бўлдик. Зеро тунда ишдан, ўқишдан қайтаётиб дайди итдан шикастланган ҳар қандай одам ўзимизнинг акамиз, укамиз, опамиз, энг ёмони фарзандимиз бўлиши эҳтимол.

*Абдумалик АБДУРАҲМОНОВ.*

---

«02»

# ҚИММАТГА ТУШГАН ЎҒИРЛИК

Яккасарой тумани ички ишлар бўлимига келтирилган бу кимсани яна қамоқ жазоси кутмоқда. Туман ички ишлар бўлими бошлиғи ўринбосари, милиция капитани Фарҳод Мирзаев бир ҳафта олдин ушбу шахсни ўз хонасига чақиртириб обдон суҳбатлашганди. У ўтмишда бўлган ёмон қилғиликларидан пушаймон тортаётганлигини айтиб, энди ҳаётини бошқача тарзда қуришини тушунтирганди. Аммо тили бошқа, дили бошқа шахс экан у.

Муштарийларга ким ҳақида гап бораётганлигини англатамиз. Б. Қимматов муқаддам икки марта жиноят қилганлиги учун қамалиб чиққан. Ҳеч қаерда фойдали меҳнат билан шуғулланмайди. Милициянинг назоратида туриб, тез-тез текширилиб турилади.

— Инсон ҳаётда ҳалол ва пок яшаши керак, — дейди Фарҳод ака биз билан суҳбатда. — Қимматов эса эсини танибдики, ўғрилик ва бошқа жиноятлар билан шуғулланиб келади. Қамоқдан чиққанига унча кўп бўлгани йўқ. Кўриб турибсизки бугун боши яна хам. Одамни пул, мол-дунё бузмас экан. Одамни ёмон муҳит ва ёмон тарбия бузади. Мен унинг оиласи ҳақида сизга яхши фикр билдиролмайман.

Биз у билан бир ҳафта олдин ака-укадай ўтириб гаплашдик. Ҳаётда ҳар нарса бўлиши мумкин. Ёмондан Худонинг ўзи сақласин. Б. Қимматов бир эмас, икки марта қамалиб чиққан. Ундан, «шунчалик узоқ жазо муддатини ўташ, қийналишлар жонингга тегмадими» деб сўраганимда, «ака, ҳаммаси ҳиқилдоғимга келди. Энди мен бошқа одамлар қатори оила, болачақа қилиб яшашни хоҳлайман», деганди. Афсус Ботир ўз гапида туролмади. Яна жиноятга қўл урди. У Яккасарой туманидаги уйларнинг бирининг ёнида изғиб юриб «ВАЗ-2103» русумли автомашинани кузатади. Эгаси машинанинг калитини ичида қолдириб бир зумга ундан тушади. Буни кўриб турган Б. Қимматов фурсатни қўлдан бой бермай, автомобилни ўт олдириб Бешёғоч томонга қараб ҳайдайди. Машина эгаси ҳай-ҳайлаганича унинг ортидан қараб қолаверади. Сал ўзига келгач милицияга мурожаат қилиб, ўғрининг тузилиши ва кўринишини ходимларга тушунтириб беради. Яккасарой тумани ИИБ ходимлари дарров ҳамма постларга автоулов олиб қочилганини хабар қилишади.

Милиция ходимларининг ўғриликни билиб қолишганлигини сезган Қимматов жигулини шаҳар кўчаларидан 120-130 километр тезликда елдай учиради. Чорраҳада турган ДАН ходимининг тўхташ ишорасига бўйсунмай ўтиб кетади. Яккасарой тумани ИИБ тезкор вакили, милиция майори Баҳодир Хидиров ва туман ДАН ходимлари жиноятчини ушлаш чораларини кўришади. Жиноятчи Бобур кўчаси бўйлаб ҳаракатда давом этар, ҳеч бир тўхташ ишорасига бўйсунмасди.

Қимматовнинг ножўя хатти-ҳаракати туфайли бегуноҳ кишиларнинг ҳаёти хавф остида қолганди. Машинанинг тез ҳаракатланиши, кўча ҳаракати қоидаларига риоя қилмаслиги натижасида ҳар қандай нохуш ҳодиса рўй бериши мумкин эди. ДАН ходимлари ва тезкор вакил Баҳодир Хидиров жиноятчини ушлаш чораларини кўришди. Ҳамма постларга ўз вақтида хабар берилди. Қимматов «Бешёғоч» бозорига яқинлашганида ДАН ходимларини кўриб йўналишни ўзгартирди. Унинг мақсади Кўкча орқали шаҳардан четкага чиқиб кетиш эди. Аниқроғи, машинани Қозоғистонга олиб ўтиб кетишни режалаштирганди. «Бешёғоч» бозори томонга қараб бурилганида катта тезликдаги машинани бошқаролмай қора рангдаги ЖИП машинасига бориб урилади. У ҳам етмагандай «Москвич — 2141» русумли қизил машинанинг ҳайдовчи томонига бориб урилади. Яхшиямки «Москвич» бор экан, агар у «Жигули»ни тўсиб қолмаганида кўчани кесиб ўтаётган 3-4 пиёда ҳаётдан кўз юмган бўлишарди.

Қилғиликни қилиб қўйган Қимматов қочишга уриниб кўрди. Аммо тезкор вакил Баҳодир Хидировнинг кучли қўллари бунга йўл бермади.

Автоулов ўғирлиги Б. Қимматовга ҳам, бошқаларга ҳам қимматга тушди.

Жиноятчи жиноятига яраша жазосини олиши муқаррар.

*Мирза АБДУЛЛАЕВ.*
*Тошкент шаҳар ИИББ ходими.*

---

Бокс

## ОТ ИЗИНИ ТОЙ БОСАР

Маълумки, кузда бокс бўйича навбатдаги жаҳон ва Осиё чемпионати мусобақалари ўтказилади. Спортчиларимиз ушбу масъулиятли баҳсларга тайёргарлик кўришаяпти. Яқинда терма жамоамиз аъзолари Эрон ва Қирғизистон пойтахтида бўлиб ўтган иккита халқаро турнирда муваффақиятли қатнашишди.

Теҳрон турнирида Атланта Олимпиадаси иштирокчиси андижонлик Муҳаммадқодир Абдуллаев (60 кг) барча ваздошларини мағлубиятга учратди. Тошкентлик Икром Бердиев (71 кг) ҳам ана шундай ғалабага эришди. Яна бир пойтахтлик боксчимиз Темур Тўлаков (67кг) иккинчи, хоразмлик Алишер Раҳимов (51 кг) эса учинчи поғонага кўтарилди. Мусобақа давомида 16 та мамлакат вакиллари рингга чиққанлигини таъкидлаш керак. Ҳамюртларимиз умумжамоа ҳисобида мезбонлардан кейин иккинчи ўринни эгаллашди.

Бишкекка эса ёш боксчиларимиз боришганди. Шунга қарамай, улар ҳам қуруқ қайтишмади, бир неча совриндорлар қаторидан жой олишди. Жумладан бухоролик Азиз Шарипов (51 кг), жиззахлик Лазизбек Зокиров (91 кгдан юқори) ғолиб чиқди. Наманганлик Темур Сулаймонов (60 кг), хоразмлик Темур Иброҳимов (81 кг) финалдагина рақибига имкониятни бой берган бўлса, Тошкент вилояти вакили Қаҳрамон Бойназаров (67 кг), тошкентлик Абдували Шомирзаев (75 кг) ярим финалгача етиб борди.

Эркин кураш

## ҚАНДИНГНИ УР, ПОЛВОН!

Киевда якунланган III халқаро турнирда эркин курашчиларимиз ажойиб ютуқларни қўлга киритишди. Тошкентлик Руслан Хинчаговга 76 кг вазнли полвонлар орасида бас келадигани топилмади. У 5 марта гиламга тушиб, ҳар гал йирик ҳисобда енгиб чиқди. Ҳа, уддасидан чиққанлар қандини урсин экан. Турнир ҳомийлари ғолибларга берилувчи мукофотлар қатори мусобақанинг энг яхши курашчилари учун 2 та махсус соврин — енгил машина таъсис этишганди. «Жигули — М90» русумидаги автомобиллардан бири юртдошимиз Руслан Хинчаговга топширилди. 63 кг оғирлик тоифасида иккинчи ўринни эгаллаган ҳамшаҳарларимиз Рамиль Исломов кумуш медаль билан бирга 2 минг долларга ҳам эга бўлди.

Яккакураш

## «ТУРОН» ҒОЛИБЛАРИ

Қадимий жанг усуллари асосида қайта тикланган «Турон» спорт яккакураши билан шуғулланувчи ёшлар сони ортиб бораяпти. Бунинг асосий сабабларидан бири «Турон» усталарининг ҳам халқаро майдонларга фаол кириб келаётганлигидир. Улар ўтган йили Москвада жанг санъати бўйича дунё мусобақаси, Бангкокда миллий спорт турлари ва халқ ўйинлари 2-Бутунжаҳон фестивалида қатнашиб, мезбону меҳмонларда катта қизиқиш уйғотишганди.

Тошкентда якунланган Ўзбекистон чемпионати бу йил ана шундай анжуманларга борувчи спортчиларни аниқлади. Мусобақада республикамизнинг турли шаҳарлари ва қўшни Қозоғистондан келган яккакураш усталари қатнашди.

Ҳамма учрашувларни чиройли ғалаба билан якунлаган пойтахт вакиллари Рамиль Ахметов, Алексей Гудзь, Умар Бурҳонов терма жамоадаги ўз ўрнини мустаҳкамлади. Шунингдек, ўз вазн тоифасида зафар қучган фарғоналик Алишер Носиров, Алишер Баҳромов, Фарруҳ Ҳамдамов, Тошкент вилояти спортчиси Суннат Мирниёзов халқаро мусобақаларга йўл очган.

Аёллар ўртасида тошкентлик Зайнаб Ҳасанова, Оксана Глухова, Ирина Содиқова чемпионлик нашидасини сурди. Турончилар шу йил пойтахтимизда 1-жаҳон чемпионатини ўтказиш учун ҳозирлик кўришяпти.

*Беҳзод ТЕШАБОЕВ.*

---

**Бош муҳаррир Эркин ЭРНАЗАРОВ**

## ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

**ШАҲАР ТЕЛЕФОН ТАРМОҒИ АБОНЕНТЛАРИ ДИҚҚАТИГА!**

Алоқа кабель иншоотларини таъмирлаш ишларининг амалга оширилиши муносабати билан
24 МАРТГАЧА
Юнусобод даҳаси, 11-мавзе, 2, 3, 4, 12, 13, 14, 15, 16, 17, 50, 51, 54, 55, 60, 62-уйлар, Юнусобод даҳаси, 3 мавзе 1, 2, 9, 12, 13, 14, 15-уйларда истиқомат қилувчи 21, 24-АТС абонентларида телефон алоқаси бўлмайди.

Тошкент шаҳар телефон алоқаси ва радиолаштириш ишлаб чиқариш бирлашмаси.

Ҳамза туманидаги «Феруза — ЛТД» масъулияти чекланган жамиятининг йўқолган думалоқ муҳри ва штампи **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

«Ўзбалиқ» давлат-акционерлик корпорацияси раҳбарияти ва жамоаси корпорация раиси ўринбосари Курбонов Рухулла Бурхоновичга опалари

**Дилбар ҚУРБОНОВАнинг**

вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдирадилар.

«Тошкент-тибтехника» жамоа корхона маъмурияти «Ўзтибтехника» акционерлик компанияси раиси Жамшид Алимовга отаси

**Тўхта АЛИМОВнинг**

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Тошкент оқшоми
Toshkent oqshomi

Муассис: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

Телефонлар: хатлар — 33-29-70; эълонлар: 33-28-95, 33-08-74, 36-57-65. факс: (3712) 33-29-09.

Душанба, чоршанба ва жума кунлари чиқади. Нашр кўрсаткичи 64690

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтаси»га 33-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Рўйхатдан ўтиш тартиби: №10. ❖ Буюртма Г-0147. ❖ Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулида босилади. ❖ Қоғоз бичими А-2 «Шарқ» нашриёт матбаа-концерни босмахонаси. ❖ Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй. ❖ Босмага топшириш вақти 11.30. ❖ 9.060 нусхада босилди. 1 2 3 4 5 6.